

ҚУРЪОНИ КАРИМДА ЗИКР ҚИЛИНГАН ҲАЙВОНЛАР БОРАСИДА

О ЖИВОТНЫХ УПОМЯНУТЫХ В КОРАНЕ

ABOUT ANIMALS MENTIONED IN THE QURAN

Doniyor MURATOV

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF

UZBEKISTAN,

senior teacher of the department "The Islamic Studies
and studies of Islamic Civilization ISESCO.

d.muratov@iiu.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2021/2/3

Аннотация: Ушбу мақоланинг мақсади Қуръони каримда зикр қилинган ҳайвонларни ўрганиш, уларнинг оятларда эслатилиш ўринлари, бирор қиссани зикр қилишида ва масаллар келтирилишида, уларнинг таъсирли чиқишида ҳайвонлар образларидан фойдаланиш услубларини ва ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилишдан иборат. Мақолада инсон фаолияти бевосита ҳайвонот олами билан боғлиқ экани қайд қилинган. Қуръон оятларининг сабаб ва мақсадлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга оятларда зикр қилинган ҳайвонлар номларининг ифода этиш учун араб тилида ишлатилган сўзлар ва синонимлари ҳам ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Араб манбаларида барча тирик мавжудот борки, ҳаммаси ҳайвон дейилиши деб айтиб ўтилган. Зеро, ҳайвон сўзи араб тилида тириклик маъносидан олинган. Ҳар бир нарсаки, унда ҳаёт бўлса, у ҳаракатдадир, яъни ҳаёт бу ҳаракат, ҳаракат бу тириклик демак. Шунингдек, ҳайвонлар инсонлар каби уммат экани ҳам Қуръонда эслатилган бўлиб, улар 140 дан ортиқ оятда тилга олинган. Ушбу мақолада масаланинг мазкур жиҳатлари ҳам тадқиқ қилинган.

Чунончи Қуръони каримда ҳайвонлар турли вазифаларни бажарганини кўриш мумкин. Масалан, ҳудҳуд Сулаймон (а.с.)нинг хизматида бўлган ва бу билан у бош ролда зикр қилинган. Намл сурасида бу қуш Сулаймон пайгамбарнинг хизматчиси сифатида келган. Пайгамбарларнинг мўъжиза кўрсатишида ҳам ҳайвонлар билан боғлиқ ўринлар ўрганилган. Оли Имрон сурасида, ҳайвонлар одамлар учун бойлик ҳамда фойдаланиладиган воситалиги Қуръон оятларида учрайди.

Қуръонда баъзи ҳайвонлар мусулмонларга ҳаром қилингани борасидаги оятлар таҳлил этилган. Ҳайвонларнинг гўштини истемол қилиш ва қилмаслик нуқтаи назардан, яъни фикҳий томондан ҳам ўрганиш зарур.

Мақолада ўзбек тилида фаолият олиб борган муфассирларнинг тафсилларида ҳайвонларга оид арабча сўзларни ўзбек тилига таржималари қиёсий таҳлил қилинган. Масалан, туянинг ёши, жинси ва бошиқа шу каби жиҳатларини ифодалаш учун араб тилида қатор синоним сўзлар ишлатилади, ва бу ҳолат Қуръонда ҳам ўз аксини топган. Туя маъносини ифодалаш учун Қуръонда ибил, байир, ноқа, баҳира, сойба каби сўзлардан фойдаланилган.

Хулосада эса, Қуръонда зикр қилиб ўтилган ҳайвонлар ва уларнинг образларининг тадқиқ этиш аҳамиятига доир муаммолар очиб берилган.

Калим сўзлар: ҳайвон, ноқа, байир, сойба, бақара, тойр, анъом, намл, наҳл, ҳаром, ҳалол.

Аннотация: Целью данной статьи является изучение упомянутых в Священном Коране названий животных, уместности их упоминания в аятах, а также исследование методов и особенностей использования образов животных при упоминании каких-либо повествований и приведении изречений с целью усиления действенности их контекстов. В статье отмечается, что деятельность человека непосредственно связана с животным миром, анализируются причины и цели аятов Корана. Наряду с этим исследуются и изучаются использованные на арабском языке слова и синонимы для обозначения названий животных, упомянутых в аятах Корана.

В арабских источниках говорится, что все живые существа именуются как животные, поскольку на арабском языке слово «животное» взято из содержания слова «существование». Всякая сущность, если в ней есть жизнь, находится в движении, то есть жизнь – это движение, а движение – это жизнь. В более чем 140 аятах Корана также упомянуто, что животные, подобно людям, являются умматами. В данной статье анализируются и эти стороны вопроса.

В частности, можно проследить, что в аятах Священного Корана животные выполняют различные функции. Например, на службе у пророка Сулеймана (мир ему) был удод и он упоминается в главной роли. В суре Намл эта птица приводится как служащая пророка Сулеймана. В других же местах, к примеру, «нагруженный верблюд», то есть «байир» встречается лишь в содержании аята в качестве обыкновенного животного. Также исследуются места, связанные с животными в явлении чудес Пророками.

В данной работе также анализируются аяты Корана относительно запрещенности для мусульман мяса некоторых животных. В связи с этим необходимо изучение данного вопроса с точки зрения фикха, то есть использования или неиспользования в пищу мяса некоторых животных.

В статье осуществлен сравнительный анализ переводов на узбекский язык арабских слов, обозначающих животных, приведенных в комментариях муфассиров, занимавшихся деятельностью на узбекском языке. К примеру, для выражения возраста, пола и других особенностей верблюда на арабском языке используется

ряд слов-синонимов и это обстоятельство отражено также и в Коране. Для обозначения значения слова «верблюд» в Коране использованы такие слова, как «ибил, байир, нока, бахира, сойба».

В заключении раскрыты проблемы, связанные с важностью исследования животных и их образов, упомянутых в Священном Коране. В связи с этим следует отметить актуальность вопросов, связанных с изучением причин и целей использования образов животных в Коране.

Ключевые слова: животное, байир, саиба, бақара, тайр, анъам, намл, наҳл, ҳарам, ҳалал.

Abstract: The purpose of this article consists of studying the animals mentioned in the Quran, their use in the verses, methods of using images of animals in the narration and parables of a story to make them impressive, and their peculiarities. The article analyzes the causes and purposes of the verses of the Quran, which state that human activity is directly related to the animal world. Moreover, it studies the Arabic words and synonyms used to express the names of the animals in the verses.

Arabic sources state that there are all living beings, all of which are called animals. Indeed, the word animal is the Arabic word that means life. Everything, if there is life in it, is in the state of motion, life is action, and it is life. It is also illustrated in the Quran that animals are as Ummah as humans, and more than 140 verses use them. Thus, the current article also explores these aspects of the issue.

For example, in the Quran, animals performed various functions. For instance, the Hudhud bird was in the service of Solomon (p.b.u.h.) and, thus, it had the leading role. In Sura an-Naml, this bird came as a servant of the Prophet Solomon (p.b.u.h.). The article also studies the cases associated with animals in the Prophets' miracles.

Moreover, the article analyzes the verses in the Quran which provide information about some forbidden animals (for Muslims). It is necessary to study whether to eat the meat of animals or not according to Fiqh rules.

The current article analyzes how Uzbek language commentators translated Arabic words of animals into the Uzbek language. For instance, various synonyms are used in Arabic to express the age, sex, and other similar aspects of a camel. In addition, in the Quran, there are such words as well. To depict the word camel the words such as ibil, bair, naqa, bahira, soiba were used in the Quran.

In the conclusion part, the article reveals the importance of studying the animals mentioned in the Quran and their images.

Keywords: animals, naqa, baiir, soiba, baqara, an'am, naml, nahl, haram, halal.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Инсон бор эканки доимо ҳайвонлар билан мулоқотда бўлиб келган. Инсон ҳайвондан турли ўринларда фойдаланиб келади, ё уни маркаб сифатида ишлатади, ё овқат сифатида истемол қилади ва ҳатто зийнат, қимматбаҳо нарса сифатида

эъозлаб келади. Ислом динида ҳам ҳайвонларга алоҳида эътибор берилганини Қуръон оятлари ва ҳадислардан ўрганиш мумкин. Айниқса, Қуръони каримда ҳайвонлар инсонга ибрат бўлиши, зийнат экани, миниш учун восита экани ёки бирор қўрқитиш воситаси, инсонларга бало экани зикр қилинган. Шу билан бирга инсон хизматидаги жонзот экани ҳам айtilган.

Қуръони каримда зикри келган ҳайвонларни алоҳида ўрганиш борасида араблар томонидан кўп ишлар қилинган. Бироқ тадқиқотларнинг деярли барчаси замонавий адабиётлардан иборат эканини кўриш мумкин¹. Чунончи манбалардан имом Суютийнинг «ал-Итқон» асарида кушларнинг номи зикр қилинганини кўриш мумкин².

Манбаларда барча тирик мавжудод борки ҳаммаси ҳайвон дейилади. Зеро, ҳайвон сўзи араб тилида тириклик маъносидан олинган. Ҳар бир нарсани унда ҳаёт бўлса, яъни ҳаёт бу ҳаракат, ҳаракат бу тириклик, у ҳайвондир (Zamakhshariy. Kashshof. v. 4. p. 560). Шунинг учун ҳам инсон онги ва тили бор ҳайвон сифатида қаралади.

Чунончи Қуръони каримнинг моҳиятига биноан ундаги энг асосий мавзу бу – Аллоҳнинг ягоналиги ва Унга ибодат қилишдир. Шундан айтиш мумкинки, унда зикр қилинган ҳайвонлар бош мавзу ва у зоология китоби эмас.

АСОСИЙ ҚИСМ (MAIN PART)

Ҳайвонлар инсон каби бир уммат экани Қуръони каримда зикр қилинган: «**Ердаги бирор жонивор ва бирор икки қаноти билан учадиган парранда йўқки, (улар ҳам) сизлар каби умматлар бўлмасалар**» (Анъом, 38) (Abdulaziz Mansur. Tafsiir. p. 624). Бу ердаги ўхшатиш, албатта, ҳамма жиҳатдан эмас, балки хилқат, ҳаёт, ўлим, Аллоҳга эҳтиёжли бўлиш, Уни таниб, ҳамду сано ва тасбеҳ айтиш, бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиш ва кўп сифатларда улар билан инсонлар ўртасида ўхшашлик бор (A.Mansur. Tafsiir. p. 132). Бу оятга биноан Қуръон ҳайвонларни икки турга бўлмоқда. Бири ерда юрадиган бўлса, иккинчиси учадиган куш туркумидаги ҳайвонлар.

Умуман олганда Қуръони каримнинг 140 оятидан ортиқ жойда ҳайвонлар зикр қилинган (Rog'ib. Al-Hayvanat. p. 35). Шу билан бирга олти

сура ҳайвонлар номи аталган: бақара (сигир), анъом (чорва), наҳл (асалари), намл (чумоли), анкабут (ўргимчак) ва фил.

Закариё ибн Муҳаммад Қазвиний (1203-1283) ўзининг «Ажойиб ал-махлуқот ва-л-ҳайвонот ва ғароиб ал-мавжудот» асарида ҳайвонларни етти турга бўлган (Qazviniiy. Ajoib al-mahluqot. pp. 250-381): Инсон, жин, жонзотлар, чорва, йиртқич ҳайвонлар, куш ва ҳашорот. Араб тадқиқотчилари ўзларининг асарларида мазкур тақсимга таянганлар. Шунингдек, «ал-Ҳайван фи-л-Қуръан ал-карим» китобида ҳайвонлар қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилган (Favziya. al-Hayvan fi-l-Qur'an. p. 95):

1. Мўъжизага ёки мўъжизанинг бир қисмида иштирок этган ҳайвонлар: Бани Исроил сигири, Мусо (а.с.) аждаҳоси (илон), Мусо (а.с.) илони, чигиртка, бит, қурбақа, Мусо (а.с.) балиғи (хут), Юнус (а.с.) балиғи (хут), Узайр (а.с.) эшаги, Иброҳим (а.с.) куши, Исо (а.с.) куши, Самуд қавмига берилган туя (ноқа), Сулаймон (а.с.) гаплашган чумоли ва ҳудхуд.

2. Ажойиблиги бор ҳайвонлар: Сулаймон (а.с.) ҳассаларини еган қурт (даабтун), Абобил кушлари, фил, Исмоил (а.с.) ўрнига берилган қўй (аз-зибх ал-азийм), ғор эгалари ити.

3. Фақат зикри келган ҳайвонлар: Туя (ибил, баир, жамал ва будн), сигир (Бани Исроилга оид бўлмаган ўринлар), қўй (ғанам), ҳачир, от (хойл), эшак (буларни миниш учунлиги сифатида), чивин, чўчка, бўри, йиртқич ҳайвонлар, бедана, бузоқ, қарға, парвона, маймун, ит.

4. Умумий маънода Аллоҳнинг яратганига ишора қилинганлар: «**Сизларга не бўлдики, Аллоҳнинг номи айtilган нарса (ҳайвон гўштлари)дан емайсизлар?!**» (Анъом, 119), «...**ва Аллоҳга тўхмат қилиб, улар учун Аллоҳ ризқ қилиб берган (ҳайвонлар)ни ҳаромга чиқарганлар...**» шу ва шуларга ўхшаш оятларда зикр қилингани каби.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қуръонда келган ҳайвонларни ўрганишдаги тақсим, зоология фани соҳасига мос равишда олиб борилмаган. Шундай бўлсада, мазкур мақолада ҳайвонларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиб чиқишга ҳаракат қилинади: Сутэмизувчи, судралувчи, сув ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, ҳашорот, кушлар. Албатта, буларнинг ўзини ҳам яна гуруҳларга бўлиш мумкин, аммо мақоланинг мақсадлари бошқа бўлгани учун шулар билан чекланилди.

1. **Сутэмизувчилар:** туя, от, эшак, қўй, эчки, ҳачир, фил, сигир, бузоқ, кучук, бўри, шер, чўчка, маймун.

2. **Ҳашаротлар:** Чивин, чигиртка, пашша, ўргимчак, бит, асалари, чумоли, капалак (парвона).

¹ Imom Suyutiy o'z asarida: «Ularning ba'zilari: Alloh Qur'onda qushlardan o'n jinsni nomlagan: bedana, chivin, pashsha, asalari, o'rgimchak, chigirtka, hudhud, qarg'a, abobil va asalari, deydi», deb keltirgan. Suyutiy. Itqon. Ar-Riyoz; Vizara shuun al-islamiyya, – B. 76.

² Maqolani hajmini e'tiborga olib oyatlardagi yoritilayotgan atama joyi qoldirildi yoki oyatning umumiy ma'nosi va qavs ichida sura nomi va oyat raqami keltirildi.

3. **Кушлар:** Карға, худхуд, бедана.

4. **Сув ва сув ҳамда қуруқликда яшовчилар:** Хут, қурбақа.

5. **Судралувчилар.** Илон, аждаҳо.

Шунингдек, Қуръони каримда умумийликни ифода қилувчи сўзлар ҳам ишлатилган. Улар: куш, чорва ҳайвонлар, йирткич ҳайвонлар, жониворлардир.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш лозики, араб тилида туя бир неча – жамал, баир, ибил каби ва бошқалар сўзлар билан ифода қилинади. Юқоридаги тақсимда эса ўзбек тили нуқтаи назаридан бир сўз билан – туя деб қўйилди. Зеро араб тилида туянинг жинси, ёши ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб турли номлар билан аталади. Қуйида уларнинг ҳар бири алоҳида ёритилади.

1. **Сутэмизувчилар:** туя, от, эшак, қўй, эчки, ҳачир, фил, сигир, бузук, кучук, бўри, шер, чўчка, маймун.

Қуръони каримда келган сутэмизувчилардан бири **Ибил** ҳисобланади. Ибил сўзини ўзбек тилига (урғочи) туя деб таржима қилиш мумкин. Ибил жамловчи исм ҳисобланиб, умумий маънода барча туяларни англатади (Alayviy. Asmo al-hayvon. p. 47). Қуръони каримда Ибил иккита жойда ишлатилган (Muhammad. Al-Mu'jam. p. 3): «**Шунингдек, туядан икки (жинс) ... яратди**»^{□*} (Анъом, 144). Бу ўринда ибил сўзи туянинг ҳам эркаги ва ҳам урғочисига нисбатан ишлатилган. Кейинги оятда туянинг ўзига хос тарзда яратилганига ишора қилинган: «**Ахир, улар туяларга қараб, қандай яратилганига, боқмайдиларми?!**» (Ғошия, 17). Зеро, Қуръон нозил бўлган жой ва вақтда одамларга энг яқин ҳайвон туя ҳисобланган. Туя тузилиши жиҳатидан айнан саҳрода юришга мўлжалланган. Туя сув ичмай бир неча кунлаб иссиқ ҳавода юра оладиган кучли ҳайвон. Туя сув ичганда тўйиб олса сувни ўзида, ўркачида сақлай олади. Туянинг кўзи бошнинг юқори қисмида жойлашгани сабабидан бир вақтнинг ўзида орқани ҳам кўра олади, қовоқлари эса кўзни қум зарраларидан тўсади. Ҳатто бурун ва қулоқлари ҳам ўзига хос бўлиб, қумдан зарар кўрмайдиган ҳолга келади. Туяга юк ортилган вақтда ҳам туёқлари қумга ботмайди (Muhammad Sadiq. Tafsihi. v. 6. p. 459). Чўлда тиконни ҳам ейиши мумкин. Сутини ичилади, гўшти ейилади. Оятда шу ва бошқа сифатларига ишора қилинади.

Шунингдек, туянинг **жамал** (эркак туя) деган номи бор. Бу сўз Қуръонда бир марта ишлатилган ва унда: «... **туя игна тешигидан ўтмагунча ...**» (Аъроф, 40), дейилган.

Туя яна **ноқа** сўзи билан ҳам юритилади. Ноқа урғочи туяга нисбатан ишлатилади. Бу сўз Қуръонда 7 марта зикр қилинган бўлиб, барчаси

Солиҳ (а.с.) пайғамбар қилиб юборилган Самуд қавмига берилган туяга нисбатан айтилган. Солиҳ (а.с.) ўз қавмларини Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилганларида улар бир белги-мўъзиза, яъни ноқа беришни сўрайдилар. Шунда Солиҳ (а.с.) Аллоҳга дуо қиладилар ва: «**Самудга туяни кўз очувчи (мўъжиза) қилиб бердик**» (Исро, 59). Аллоҳ туя ва қавм учун сув ичишни алоҳида-алоҳида кун қилиб белгилайди ва унга тегмасликни тайинлайди: «**Унга (бир кун) сув ичиш ва сизга маълум бир кун сув ичиш**» (Шуаро, 155), «...**Аллоҳнинг туясига ва унинг сувига тегманглар**» (Шамс, 13), деб, Солиҳ (а.с.) таъкидладилар ва акс ҳолда азоб келишидан огоҳ этадилар. Қавм бу нарсасига эътибор бермай «...**туяни сўйдилар**» (Аъроф, 77) ва Аллоҳнинг азобига учрадилар.

Қурбонликка аталган туя – **будн** дейилади (Somiy. Al-Luzum. p. 21). Бу сўз Қуръонда бир марта Ҳаж сурасининг 36-оятда келган (Muhammad Sadiq. Tafsihi. v. 4. p. 28).

Баҳира, сойба сўзлари муқаддаслаштирилган туяга нисбатан ишлатилган. Моидда сурасида бир марта келган: «**Аллоҳ на «баҳира», на «сойба», на «васила» ва на «ҳомм» (каби одатлар)ни (қилишга амр) қилмаган**» (Моидда, 103). Бундай туялар муайян бола туғганига нисбатан қўлланилган. Ислому бу жоҳилият одатлардан қайтарди (Bag'aviy. Tafsihi. v. 3. p. 107).

Байир ҳам туя. Бироқ сўйлоқ тиши чиққан ва юк кўтариш ҳамда минишга яроқли бўлган, кучга тўлган, тўрт ёш атрофидаги туя. Қуръонда икки ўринда келган: «...**бир туя юкни...**» (Юсуф, 65), «...**бир туя юк**» (Юсуф, 72). Бу оятларда байир «юк ортилган бир туя» маъносида ишлатилган.

Зомир сўзи озгин туяга ишлатилади. Арабларда кўп юрганидан ва ишлатилганидан озиб-тўзиб кетган туяга берилган ном ва бундай туялар минилмасди. Ислому бундай туялардан фойдаланишни жоиз эканини кўрсатди: «**Ва одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга (яъни сенинг даъватингга жавобан) яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар**» (Ҳаж, 27).

Қуръони каримда отлар ҳам зикр қилинган. Умумий маънода **хойл** сўзи ишлатилган. **Хойл** от билан бирга отлик маъносида ҳам ишлатилиб, Қуръони каримнинг бешта жойида келган. Икки ўринда отлар зийнат экани зикр қилинган (Оли Имрон 14, Наҳл 8). Шунингдек, ҳарбий соҳадаги отлик маъносида ҳам келган (Анфол, 60, Ҳашр, 6).

Яна бир оятда шайтоннинг инсонни йўлдан оздириш йўлларида бири – ўзининг отлик ва пиёда аскарларини ишга солиши айтилган (Исро, 64).

Муфассирларимиз **жиёд** сўзини чопкир, учкир от маъносида ишлатганлар (Сод, 31 ва 33) (Muhammad Sodiқ. Tafsiр. v. 5. p. 169-170). Шу билан бирга Аллоҳ қуйидаги отлар билан қасам ичган: **одиёт** – чопувчи, олдинда юрадиган, **муриёт** – чопганда туёқларидан ўт чакнайдиган, **муғирот** – қаттиқ чопувчи (Одиёт, 1-3).

Биғол, хачирга, **хамир** эса, эшакка нисбатан ишлатилади ва бу икки сўз Қуръони каримнинг бир оятида миниш ва зийнат учун хачирларни яратганини эслатиб ўтади (Наҳл, 8). Эшакни овози ёқимсизлиги ҳам айtilган (Лукмон, 19). Ҳатто одамлар кўрқок (Мудассир, 49-51) ва юк орtilган эшакка (Жумъа, 5) ўхшатиlgан. Ўlgан эшакни қандай қилиб қайта тирилишини кўрсатган ўринлар ҳам бор (Бақара, 259) (Muhammad Sodiқ. Tafsiр. v. 1. p. 269-270).

Сигир ҳам Қуръони каримда зикр қилинган бўлиб, араб тилида **бақара** деб юритилади. Баъзи ўринларда бақара эркак молга ҳам ишлатилади. Қуръони каримнинг тўққизта жойида Бақара, Анъом, Юсуф сураларида ишлатилган.

Қуръони каримнинг иккинчи сураси ҳатто **бақара** деб номланган. Сурада Мусо (а.с.) билан қавми ўрталарида кечган ибратли воқеалардан бири сигир билан бўлгани сабабли унга рамзий маънода шу ном берилган. Мусо (а.с.) замонида бир киши ўлдирилади ва бир сигир гўшти билан ўлганни тириштириш мумкинлиги ва Мусо (а.с.) қавмининг саркашликлари келтирилади (Бақара, 67-71) (Muhammad Sodiқ. Tafsiр. v. 1. p. 59-62).

Бақара сўзи бошқа ўринларда ҳам ишлатилган. Жумладан, жоҳилият даврининг асоссиз одатларидан бири ҳайвонларнинг гоҳ эркагини, гоҳ урғочисини турли баҳоналар билан ўзларига ҳаром қилиб олиш эди, оятда шу ҳақида баён қилинган ҳамда бу ўринда бақара сўзини муфассирларимиз қора мол деб таржима қилганлар (Анъом, 144). Яна бир ўринда яҳудийларга сигир ва қўйларнинг ёғлари ҳаром қилингани айtilган (Анъом, 146).

Шунингдек, Юсуф (а.с.) даврларида подшоҳ тушида сигир кўргани ҳамда унинг таъбири билан боғлиқ воқеа баён қилинган. «**Шоҳ** (бир куни) деди: «**Мен тушимда еттита озгин сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошок билан бирга бошқа** (еттита) **қуриган бошокларни кўрдим**» (Юсуф, 43, 46).

Қуръони каримда шунингдек, **ижл**, яъни бузук ҳам зикр қилинган ва у ўнта жойида ишлатилган. Шундан саккизтасида Мусо (а.с.) тоққа чиқиб кетган вақтда, Сомирий (А.Мansur. Tafsiр. p. 318) деган киши қавм сиғиниши учун ясаб берган бузук тилга олинган (Тоҳо, 88, Бақара, 51, 54, 93, Нисо, 153, Аъроф, 148, 152). Яна икки оятда Иброҳим (а.с.)

фаришталар учун бузук гўштидан овқат тайёрлагани зикр қилинган (Худ, 69), (Зориёт, 26).

Ғанам сўзи умумий маънода барча қўй турига ишлатилади. Бу сўз бирлик маънода ишлатилмайди, балки кўплик маъносида келади, яъни ғанам «бир дона қўй» дегани эмас. Чунки битта қўй «шот» бўлади (Ibn Munzir. Lison al-arab. v. 10. p. 133). Шунингдек, ғанам деганда баъзан қўй ва эчки ҳам тушунилади. Қуръони каримнинг учта жойида ишлатилган: яҳудийларга қўйларнинг баъзи ёғлари ҳаром қилингани айtilган (Анъом, 146), Мусо (а.с.)нинг қўйлари (Тоҳо, 18) ва Довуд (а.с.)га қўй масаласида шикоят қилиб келингани (Анбиё, 78) (А.Мansur. Tafsiр. p. 328).

Қўйни билдирувчи яна бир сўз **зоън** бўлиб қўй, совлиқ қўй маъноларини билдиради. Қуръонда бир ўринда зикр қилинган (Анъом, 143) (А.Мansur. Tafsiр. p. 147).

Наъжа сўзи урғочи қўйга нисбатан ишлатилади. Бу сўз Қуръони каримда икки марта ишлатилган (Сод, 23, 24).

Хомм ҳимоя қилувчи маъносини билдирсада, жоҳилият арабларининг одати бўйича «муқаддаслаштирилган қўй»га нисбатан ишлатилган (Моид, 103).

«**Аз-Зибҳ ал-азийм**» бу таржимада «катта қурбонлик» маъносини билдирсада, Иброҳим (а.с.) ўз ўғиллари Исмоил (а.с.)ни қурбонлик қилишлари ўрнига берилган катта қўчқор шу ном билан аталган (Muhammad Sodiқ. Tafsiр. v. 5. p. 137).

Эчки ҳам Қуръони каримда зикр қилинган бўлиб, у араб тилида **маъз** дейилади. Бу сўз араб тилида барча эчкиларга нисбатан ишлатилади. Қуръони каримнинг бир жойида ишлатилган (Анъом, 143).

Ҳайвонлар орасида энг катта жуссали бўлган **фил** ҳам Қуръони каримда зикр қилиб ўтилган (Фил, 1) (Qur'on so'z va iboralari. pp. 287-288).

Ёввойи ҳайвонлардан бўлган бўри ҳам Қуръонда зикр қилинган бўлиб, у араб тилида **зибь** дейилади. Бу сўз Қуръони каримнинг учта жойида ишлатилган бўлиб, учтаси ҳам Юсуф (а.с.)нинг қиссалари билан боғлиқ (Юсуф, 13-14, 17).

Бўрисимонлар оиласига мансуб гўштхўрлиги билан ажраб турадиган уй ҳайвони **калб**, яъни ит ҳисобланади. Калб сўзи Қуръони каримнинг бешта жойида ишлатилган: бир оятда итнинг сифати (Аъроф, 176) (А.Мansur. p. 173), қолгани «Ғор эгалари» қиссасида келган (Каҳф, 18, 22).

Шернинг ҳам зикри Қуръонда келган бўлиб, у қаҳрли ва ваҳимали овозга эга бўлгани учун уни **қасвара** сўзи билан келтирилган (Муддассир, 51).

Тана тузилиши ва қиёфаси одамга ўхшаш, сутэмизувчиларнинг юксак ривожланган туркумига

мансуб хайвон (Izohli lu'at. v. 2. p. 529) **қирд**, яъни маймун ҳисобланади. Қирд сўзи Қуръони каримнинг учта жойида ишлатилиб, уларда Аллоҳнинг амрини бажармаган яҳудийлар маймунларга айланиб қолганининг хабари берилган (Бақара, 65, Моида, 60, Аъроф, 166) (A.Mansur. pp. 118, 172).

Чўчка, яъни **хинзир** ҳам Қуръонда беш ўринда келган (Бақара, 173, Моида, 3, Наҳл, 115) оятларида чўчка ҳаром қилинган айтилган бўлса, кейинги оятда (Анъом, 143) чўчканинг ифлос, жирканч экани ҳам таъкидланган. Бошқа бир оятда эса (Моида, 60) баъзи кишиларнинг чўчкага айлантириб қўйилгани айтилган (A.Mansur. p. 118).

2. Ҳашаротлар: Чивин, чигиртка, пашша, ўргимчак, бит, асалари, чумоли, капалак (парвона).

Қуръони каримда зикри келган ҳашаротлардан бири **бауза**, яъни чивин. У икки қанотлилар оиласининг узун мўйловлилар гуруҳига мансуб ҳашарот (Izohli iug'at. v. 4. p. 478). Қуръони каримнинг битта жойида келган: «**Аллоҳ чивин, балки ундан ҳам «юқори» нарсалар ҳақида зарбулмасал айтишдан уялмайди**» (Бақара, 26). Аллоҳ таолонинг ўз каломида чивин ёки пашша сингари жуссаси ўта кичик мавжудотларни мисол келтириши, Аллоҳга ишонмайдиган мушрик ва мунофиқ кимсаларга ғалати туюлган ва улар бу ҳолатдан ажабланганлар. Бу оят икки хил таҳлил этилади. Биринчидан, Аллоҳ чивин ва ундан катта нарсалар мисолида зарбулмасал айтишдан уялмайди. Иккинчидан, чивин ва ундан ҳам кичик нарса мисолида зарбулмасал айтишдан уялмайди (A.Mansur. p. 5). Шу билан бирга **бауза** муаннас жинсида (аёл жинсида) келган, бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор, яна, нима учун айнан чивин келтирилган, бу каби масалаларни ёритилиши борасида араб тадқиқотчиларининг ишларида кўрсатилган (Rog'ib. p. 163).

Шунингдек, **жарод**, яъни чигиртка ҳам зикр этилган. Бу сўз Қуръони каримнинг иккита жойида ишлатилган. Фиръавн қавмига юборилган балолардан бири чигиртка эканлиги баён қилинган (Аъроф, 133). Кейинги оятда одамлар қиёмат кунида тўзиган чигирткалар каби қабрларидан чиқиб келишлари айтилган (Қамар, 7). Мусо (а.с.) давриларида Фиръавн қавмига юборилган балолардан яна бири бит бўлиб, араб тилида **қуммал** дейилади (Аъроф, 133) (Muhammad Sodiқ. Tafsiр. v. 2. p. 383).

Аллоҳ ўзининг қудратини кўрсатиб қўйиш мақсадида, кичкина ҳашаротлардан **зубоб**, яъни пашшани келтиради (Ҳаж, 73).

Анкабут, яъни ўргимчак Қуръоннинг бир жойида икки марта зикр қилинган (Анкабут, 41). Бу оятда мушрикларнинг сиғинадиган бут ва санамлари

ўргимчакнинг тўрига ўхшатишган. Унинг ини на совуқдан, на иссиқдан, на офатлардан сақлайди. Сохта илоҳлар ҳам ўзларига сиғинувчиларни ҳеч қандай офатдан сақламайди ва фойдаси ҳам тегмайди. Аммо ўргимчакнинг бут ва санамлардан афзал томонлари кўп. Масалан, ўргимчак ўзи қурган уйидан ов қилиш мақсадида фойдаланади. Мушрикларга эса, бут ва санамлардан фойдаланиши фақат зарар қилади. Бу дунёда бузуқ ақида, ботил амаллар билан умрни ўтказиш билан зарар кўрсалар, охиратда Аллоҳнинг ширк аҳлига берадиган азоби билан зарар кўрувчилардан бўлади (A.Mansur. p. 401).

Оила, тўда бўлиб бир уяда яшайдиган кичкина ҳашаротлардан бири **намл** – чумоли ҳисобланади. Қуръони каримнинг бир оятида уч марта такрор келган (Намл, 18). Бу оятда чумолиларнинг гаплашиши, биргаликда ҳаракат қилишлари учун кўриқчилари борлиги ҳамда Сулаймон (а.с.) уларнинг тилини билишлари ўргатилган (Xolidiy. Al-Qasas. V. 3. pp. 518-521).

Ўсимликлар нектарини йиғиб, асалга айлантирувчи ари **наҳл**, яъни асалари ҳам Қуръонда бир марта ишлатилган (Наҳл, 68-69).

Шунингдек, **фарош** – капалак, парвона ҳам мисол тариқасида келтирилган ва у бир марта ишлатилган (Қория, 5).

3. Қушлар: бедана, худҳуд, қарға.

Қушлар орасида бедана яъни, **салво** ҳам Қуръони каримнинг учта жойида ишлатилиб, уларда яҳудийлар тановул қилишлари учун Аллоҳ томонидан берилган ноз-неъматларнинг бири эканлиги айтилган (Бақара, 57, Аъроф, 160, Тоҳо, 80).

Қуръони каримда **ғуроб**, яъни қарға устозлик сифатида зикр қилинган (Моида, 31). Бу оятда қарға муаллим, қотил, шум хабарчи маъносида келган (Alayviy. Asmo al-hayvon. p. 78).

Сулаймон (а.с.)га хизмат қилган қушлардан бири **худҳуд** (попишак) Қуръонда бир жойида (Намл, 20, 21) зикр қилинган ва ҳатто унинг гапириши айтилган (Наҳл, 22-26) (Xolidiy. Al-Qasas. v. 3. pp. 525-567).

4. Сув ва сув ҳамда қуруқликда яшовчилар: Хут, қурбақа.

Сув ҳайвонидан фақат **хут** (катта наҳанг балиқ, кит) зикр қилинган. Қуръони каримнинг бешта жойида яҳудийларнинг ови (Аъроф, 163), Мусо (а.с.) нинг овқати (Қаҳф, 61), ўлик балиқнинг тирилиши (Қаҳф, 63) ва Юнус (а.с.)ни ютиб юборган хут (Соффот, 142-144) (Muhammad Sodiқ. Tafsiр. v. 3. p. 659), (Қалам, 48) бўлиб келган.

Шунингдек, икки ўринда балиқларга ишоралар бор (Моида, 96, Наҳл, 14). Бу ўринда фикхий масалалар зикр қилиниб, «денгиз таоми» ва

«янги, тоза гўшт» деб, балиқ назарда тутилганини муфассирларимиз айтишган (А.Мansur. p. 124, 268).

Қурбака, яъни **зафодиъ** сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жониворлар туркумига мансуб ҳайвон бўлиб, оёқлари сакраб юришга мўлжалланган ҳайвон Қуръони каримнинг битта жойида кўплик шаклда келган Фиръавн қавмига юборилган бало ва азоблардан бири сифатида ишлатилган (Аъроф, 133).

5. Судралувчилар. Илон (аждаҳо).

Судралиб юрувчи ҳайвонлардан илон Қуръони каримда зикр қилинган бўлиб, улар: **ҳайя** (илон), **жаан** (илон кичкина ҳажмдаги) ва **суъбан** (катта илон, аждаҳо сифатидаги). Мусо (а.с.)га биринчи бор ҳассани ташлагин, дейилганда у илонга (**жаан**) айланган ва у киши қочганлар (Намл, 10), кейингисида илон (**ҳайя**)га айлангани айтилган (Тоҳа, 20). Қолган икки ўринда эса, асо катта илонга (**суъбан**) айлангани айтилган (Аъроф, 107, Шуаро, 32) (Muhammad Ali. pp. 584-585). Бу уч оятда Мусо (а.с.)нинг ҳассалари, Аллоҳ берган мўъжиза бўлиб, илонга (кичик, ўртанча, катта) айлангани айтилган.

Юқорида келтирилган ҳайвонлардан ташқари умумийликни билдирувчи **анъом**, **дааббатун**, **сабуъ**, **тойр** сўзлари ҳам Қуръонда зикр қилинган.

Анъом сўзи кўплик бўлиб, бирлиги «наам» бўлади ва у мол, чорва, ҳайвонлар маъносини билдиради. Анъом ва наам сўзлари Қунъони каримда 30 мартадан ортиқ ишлатилган. Оятлар чорванинг турли вазифалари борлигини билдириб келган. Жумладан, уларни Аллоҳ ўзи яратганига ишора қилади: (Ёсин, 71), чорвани жуфт яратганини айтади (Шўро, 11), инсон фойдаланиши учун яратилгани (Наҳл, 5, Муъминун, 21).

Шунингдек, чорванинг инсонлар учун ҳалол экани (Моида, 1, Ҳаж, 30), кимлардир уларни ўзларига ҳаром қилиб олгани (Анъом, 136, Анъом, 139) айтилган.

Яна баъзи ўринларда инсонлар ҳайвонларга ўхшаб ҳеч нарсани ўйламай, дуч келган нарсани еявериши ва улар ўртасида кўп ўхшашликлар борлиги эслатилади (Муҳаммад, 12). Шу билан бирга инсонлар, умумий маънода, ҳайвонларга ўхшатиш (Фурқон, 44, Аъроф, 179).

Бошқа оятларда ҳайвонлар Аллоҳ йўлида ёки бут-санамларга қурбонлик қилиш учун экани ҳам айтилади (Анъом, 136, Ҳаж, 28, 34). Чорва ҳайвонлар одамларга зийнат қилиб берилгани ва улардан ибрат олишга чақирuvi оятлар ҳам бор (Оли имрон, 14).

Аллоҳ одамларни турли рангли қилиб қўйгани каби ҳайвонларни ҳам ҳар-хил қиланини эслатади: «**Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ҳар хил ранглилари бордир**» (Фотир, 28).

Ҳайвонларга оид оятларда фикҳий масалалар ҳам зикр қилинганни кўриш мумкин. Жумладан, эҳромдаги кишига ҳайвонларни овлаш мумкин эмаслиги айтилган (Моида, 95).

Шайтоннинг сўзи сифатида ҳам келтирилган: «**Уларга буюраман – ҳайвонларнинг қулоқларини кесадилар**» (Нисо, 119).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики муфассирларимиз **анъом** сўзини чорва, чорва ҳайвон, ҳайвон каби кўринишларда таржима қилганлар (А.Мansur. Tafsir; Muhammad Sadiq. Tafsir).

Дааббатун (жонзот, жонивор. кўп. даваабун) – ер юзидаги жонзотлар. Қуръони каримнинг Бақара, Анъом, Худ, Наҳл, Нур, Намл, Анкабут, Лукмон, Саба, Фотир, Шўро ва Жосия сураларнинг 18 жойида келган бўлиб, бунда барча ҳайвонлар, ўрмалаб юрадигани ҳам назарда тутилган (Sagha Tili. The Meaning. 12:167-187). Оятлардаги мазмун шундан иборат: жонзотларни ерга тарқатиб қўйгани (Бақара, 164, Лукмон 10, Шўро, 29, Жосия, 4), жонзотлар ҳам бир уммат экани (Анъом, 38), уларнинг ризқи Аллоҳдан экани (Худ, 6), улар Аллоҳнинг ихтиёридалиги (Худ, 56), фақат Аллоҳга сажда қилиши (Намл, 49, Ҳаж, 18), уларнинг ҳаёти инсонга боғлиқлиги (Намл, 61, Фотир, 45), Аллоҳ барча жониворни сувдан яратгани, улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам, икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт (оёқ)да юрадиганлари ҳам борлиги, жонзотлар ҳам турли рангларда экани (Нур, 45, Фотир, 28), ўз ризқини топа олмайдиган жонзотларга ҳам, одамларга ҳам ўз ҳазинасидан турли йўллар билан ризқ бериши (Анкабут, 60), ёғоч қурти (Сабаъ, 14). Шунингдек, икки ўринда кофирларга ҳам шу сўз ишлатилган, «**Аллоҳнинг наздида жонзотларнинг энг ёмони бу ақлни ишлатмайдиган «кар» ва «соқов»лардир**» (Анфол, 22), «**Аллоҳнинг наздида жонзотларнинг энг ёмони – бу кофир бўлган кимсалардир**» (Анфол, 55).

Йиртқич ҳайвонлар учун умумий маънода **сабуъ** сўзи ишлатилган. Уларга жонивор гўшти билан озиқланадиган ҳайвон ёки қуш киради. **Сабуъ** ҳайвон сўйлоқ тишли ва панжасида тирноқ бўлади. Қуръони каримда бир жойда ишлатилган ва унда фикҳий масала ҳам ўрин олган (Моида, 3).

Қушлар учун умумий маънодаги **тойр** (қуш) сўзи ишлатилган. Тойр жамловчи исм ҳисобланиб, умумий маънода барча қушларни англатади. Қуръони каримнинг ўн тўрт оятида ўн тўққиз марта мазкур сўз ишлатилган. Аллоҳ яратган жонзотлар, шу жумладан қушлар ҳам инсонлар каби умматлар экани эслатилган (Анъом, 38), қушларнинг учиб юриши ўз-ўзидан бўлмаслиги, бу Аллоҳнинг

қудрати бўлиб, уларни самода Аллоҳ тутиб туриши баён қилинган (Наҳл, 79).

Бошқа оятларда ердаги барча жонзотлар каби осмонда учадиган қушлар ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтиши баён қилинган (Нур, 41). Шунингдек, Довуд (а.с.)га берилган мўъжизалардан бири қушларнинг у зот билан бирга тасбеҳ айтиши баён қилинган (Анбиё, 79). Баъзи ўринларда қушлардан мисол келтирилган (Бақара, 260).

Бошқа оятда Исо (а.с.)га Аллоҳ томондан берилган мўжизаларнинг бири, у зот лойдан қуш ясаб, унга дам урсалар у ҳақиқий қушга айланиши айtilган (Оли Имрон, 49).

Яна Юсуф (а.с.) кассаларида у зот билан бирга зиндонбанд қилинган йигитлардан бири бошида кўтариб турган нондан қуш еяётганини тушида кўриб, унинг таъбири нима эканини Юсуф (а.с.)дан сўраган ва у зот йигитнинг тушини қандай таъбир қилганлари баён қилинган (Юсуф, 36, 41).

Аллоҳга ширк келтирган кишиларнинг мисоли гўёки улар осмондан қулаб тушган ва уларнинг жасадини қушлар ўлжа қилиб олиб кетган ёки шамол учираб кетганга ўхшатиш (Ҳаж, 31).

Сулаймон (а.с.)га берилган мўжизалар жин, инс қаторида ва қушлардан иборат лашкарлари борлиги айtilган (Намл, 17). Сулаймон (а.с.)га жинлар тилла ва ипакдан катта гилам тўқиб берган бўлиб, унинг ўртасига тилла тахт устига ўзи, атрофидаги тилла ва кумушдан ясалган 600 минг курсида набийлар ва уламолар, уларнинг атрофида одамлар, уларнинг атрофида жинлар ўтирар, осмонда қушлар қаноти билан соя солиб турар, шамол гиламни кўтариб, айtilган жойга элтар экан (А.Мansur. p. 378). Шу билан бирга Сулаймон (а.с.)нинг хизматларида бўлган инсонлар қатори қушларни ҳам кўздан кечиргани айtilади (Намл, 20).

Қуш жаннат овқати экани айtilган (Воқеа, 21). Қуръони каримда баён қилинган Фил воқеасида Маккани босиб олиш учун йўлга чиққан Абраҳанинг фил минган аскарлари устидан тўп-тўп қушлар келиб тош ташлагани айtilган (Фил, 3). Бунда қушлар азобловчи сифатида зикр қилинган.

Юқорида келтирилганлардан ташқари баъзи сўзлар ҳам ҳайвонларни билдирсада, бироқ тўғридан-тўғри уларга ишора қилади.

ХУЛОСАЛАР (CONCLUSIONS)

Қуръони каримда зикри келган ҳайвонларни алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунончи ҳайвонлар орасида Аллоҳ Қуръонда улар билан қасам ичган, баъзиси, масалан ҳудҳуд каби асосий масалани ёритишда рол ўйнаган, бошқаси

бўлса, масалан, фил бир восита сифатида келган. Шунингдек, қўрқитиш маъносида бўри келган бўлса, бало сифатида чигиртка, зийнат сифатида от, фойдаланиш учун чорванинг зикри учрайди.

Юқорида келтирилган ҳайвонлар орасида фикҳ нуқтаи назаридан ҳалол ва ҳаром қилинганлари бор. Масалан, чорва ҳалол дейилган бўлса, чўчка ҳаром экани айtilган.

Жоҳилият арабларнинг баъзи туя, қўй каби ҳайвонларни муқаддаслаштирган бўлса, Қуръон уларни асоссиз эканини зикр қилиб, ундай одатларни йўққа чиқаради. Мақолада келган ҳайвонлар борасида алоҳида катта тадқиқотлар қилиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. الزمخشري. الكشف. – الرياض: مكتبة الأبيكان، ج. 4. ص. 560.
2. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – 624 b. (keyingi o’rinlarda Qur’on oyatlariga faqat suraning nomi va oyat raqami yoziladi, izohlarga iqtibos keltiriladi).
3. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 132.
4. الزغلول الراغب. الحيوانات في القرآن الكريم. – بيروت: دار المعرفة، 2006. ص. 35.
5. زكريا بن محمد القزويني. عجائب المخلوقات وغرائب الموجودات. بيروت: مؤسسة الاعلامي للمطبوعات، 2000. ص. 250-381.
6. فوزية يوسف البغدادي. الجوانب في القرآن الكريم. – المدينة المنورة: ام القرى، 1985. ص. 95.
7. عمر الالوي. اسماء الحيوان في القرآن الكريم. – الجزائر: فرحات عباس، 2012. ص. 47؛ محمد عبدلي. اسماء الحيوان في القرآن الكريم. – بيروت: دار القاسم، 2000. ص. 3.
8. محمد فؤاد عبدالباقى. المعجم المفهرس لألفاظ القرآن الكريم. – القاهرة: دار الحديث، 1996. ص. 3.
9. Qarang: Shayx Muhammad Sodiқ M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 6. – B. 459.
10. محمد سامي عبدالسلام. اللزوم الدلالي لاسماء الحيوان في القرآن الكريم (الاعجاز والتفسير). – القاهرة: بئرثة الكتب للنشر والتوزيع، 2013. ص. 21.
11. Qarang: Shayx Muhammad Sodiқ M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 4. – B. 28.
12. البغوي. تفسير البغوي. – الرياض: دار طيبة، 1989. ج. 3. ص. 107.
13. Qarang: Shayx Muhammad Sodiқ M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 5. – B. 169-170.
14. Qarang: Shayx Muhammad Sodiқ M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 1. – B. 269-270.
15. Qarang: Shayx Muhammad Sodiқ M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 1. – B. 59-62.
16. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 318.

17. ابن منذر. لسان العرب. – بيروت: دار صدر، ج. 10. ص. 133.
18. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 328.
19. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 147.
20. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 5. – B. 137.
21. Qarang: Qur'on so'z va iboralari (izohli lug'at) / tuzuvchilar: D.Muratov, S.Siddiqov, N.Mukaramxonov, I.Turdimatova. – T.: "Movarounnahr", 2017. – B. 287-288.
22. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 173.
23. O'zbek tilining izohli lug'ati: 80 000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi: 5 jildli / O'zR FA A. Navoiy nomidagi Til va adabiyoti in-ti; A. Madvaliev tahriri ostida; tahrir hay'ati E. Begmatov. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T. 2. – B. 529.
24. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 118, 172.
25. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 118.
26. O'zbek tilining izohli lug'ati: 80 000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi: 5 jildli / O'zR FA A. Navoiy nomidagi Til va adabiyoti in-ti; A. Madvaliev tahriri ostida; tahrir hay'ati E. Begmatov. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T. 4. – B. 478.
27. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 5.
28. الزغول الراغب. الحيوانات في القرآن الكريم. – بيروت: دار المعرفة، 2006. ص. 163.
29. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 2. – B. 383.
30. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 401.
31. د. صالح الخالدي. القصص القرآني. – دمشق: دار القلم، 1998. ج. 3. ص. 518-521.
32. عمر الالوي. اسماء الحيوان في القرآن الكريم. – الجزائر: فراهات عباس، 2012. ص. 47؛ محمد عبدلي. اسماء الحيوان في القرآن الكريم. – بيروت: دار القاسم، 2000. ص. 78.
33. د. صالح الخالدي. القصص القرآني. – دمشق: دار القلم، 1998. ج. 3. ص. 525-567.
34. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 3. – B. 659.
35. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 124, 268.
36. شيخ محمد علي طه. تفسير القرآن الكريم و اعرابه. – بيروت: دار ابن كثير، 2009. ص. 584-585.
37. Qarang: Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007.; Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. 6 jildli.
38. Sarra Tlili. The Meaning of the Qur'anic Word 'dabba': 'Animals' or 'Nonhuman Animals'?. Journal of Qur'anic Studies. 2010. №12. – P. 167-187.
39. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 378.

REFERENCES

1. Qarang: Zamaxshariy. Kashshof. – ar-Riyoz: Maktaba al-Abaykon, 1998. – J. 4. – B. 560.
2. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – 624 b. (keyingi o'rinlarda Qur'on oyatlariga faqat suraning nomi va oyat raqami yoziladi, izohlarga iqtibos keltiriladi).
3. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 132.
4. Zag'lul Rog'ib. Al-Hayvanat fi-l-Qur'an al-karim. – Bayrut: Dor al-Ma'rifa, 2006. – B. 35.
5. Qarang: Zakariyo ibn Muhammad Qazviniy. Ajoib al-maxluqot va-l-hayvonot va g'aroib al-mavjudot. – Bayrut: Muassasa al-a'lamiy lil matbuot, 2000. – B. 250-381.
6. Favziya Yusuf Bag'dodiy. al-Hayvan fi-l-Qur'an al-karim. – al-Madina: Ummul Quro, 1985. – B. 95.
7. Umar Alayviy. Asmo al-hayvon fi-l-Qur'an. – al-Jazoir: Farhot Abbos, 2012. – B. 47.; Muhammad Abdaliy. Asmo al-hayvon fi-l-Qur'an. – Bayrut: Doa al-qosim. 2000. – B. 3.
8. Muhammad Fuod Abdulboqiy. Al-Mu'jam al-mufahris li-alfaz al-Qur'an al-karim. – al-Qohira: Dor al-hadis, 1996. – B. 3.
9. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 6. – B. 459.
10. Muhammad Somiy Abdussalom. Al-Luzum ad-daloliy li asma al-hayvan fi-l-Qur'an al-karim (al-I'jaz va-t-tafsir). – al-Qohira: Bivara al-kutub li-n-nashr va-t-tavzi', 2013. – B. 21.
11. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 4. – B. 28.
12. Qarang: Bag'aviy. Tafsir al-Bag'aviy. – ar-Riyoz: Dor toyyiba, 1989. – J. 3. – B. 107.
13. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 5. – B. 169-170.
14. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 1. – B. 269-270.
15. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 1. – B. 59-62.
16. Qur'oni karim: ma'nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: "Toshkent islom universiteti", 2007. – B. 318.

17. Ibn Munzir. Lison al-arab. – Bayrut: Dor Sadr, – J. 10. – B. 133.
18. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 328.
19. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 147.
20. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 5. – B. 137.
21. Qarang: Qur’on so’z va iboralari (izohli lug’at) / tuzuvchilar: D.Muratov, S.Siddiqov, N.Mukaramxonov, I.Turdimatova. – T.: “Movarounnahr”, 2017. – B. 287-288.
22. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 173.
23. O’zbek tilining izohli lug’ati: 80 000 dan ortiq so’z va so’z birikmasi: 5 jildli / O’zR FA A. Navoiy nomidagi Til va adabiyoti in-ti; A. Madvaliev tahriri ostida; tahrir hay’ati E. Begmatov. – Toshkent: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T. 2. – B. 529.
24. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 118, 172.
25. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 118.
26. O’zbek tilining izohli lug’ati: 80 000 dan ortiq so’z va so’z birikmasi: 5 jildli / O’zR FA A. Navoiy nomidagi Til va adabiyoti in-ti; A. Madvaliev tahriri ostida; tahrir hay’ati E. Begmatov. – Toshkent: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T. 4. – B. 478.
27. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 5.
28. Zag’lul Rog’ib. Al-Hayvanat fi-l-Qur’an al-karim. – Bayrut: Dor al-Ma’rifa, 2006. – B. 163.
29. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 2. – B. 383.
30. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 401.
31. Qarang: Doktor Solih Xolidiy. Al-Qasas al-Qur’aniy. – Damashq: Dor al-qalam, 1998. – J. 3. – B. 518-521.
32. Umar Alayviy. Asmo al-hayvon fi-l-Qur’an. – al-Jazoir: Farhot Abbos, 2012. – B. 47.; Muhammad Abdaliy. Asmo al-hayvon fi-l-Qur’an. – Bayrut: Doa al-qosim. 2000. – B. 78.
33. Qarang: Doktor Solih Xolidiy. Al-Qasas al-Qur’aniy. – Damashq: Dor al-qalam, 1998. – J. 3. – B. 525-567.
34. Qarang: Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. – J. 3. – B. 659.
35. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 124, 268.
36. Shayx Muhammad Ali Toho. Tafsir al-Qur’an al-karim va e’robuh va bayonuh. – Bayrut: Dor Ibn Kasir, 2009. – B. 584-585.
37. Qarang: Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007.; Shayx Muhammad Sodik M.Yu. Tafsiri Hilol. – T.: Sharq, 2008. 6 jildli.
38. Sarra Tlili. The Meaning of the Qur’anic Word ‘dabba’: ‘Animals’ or ‘Nonhuman Animals’?. Journal of Qur’anic Studies. 2010. №12. – P. 167-187.
39. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri / tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2007. – B. 378.